

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 677.021.125

Гайибова Умида Саматовна

**МОКИ БАХЯҚАТОРЛИ ТИКУВ МАШИНАЛАРИДА ИПЛИ
БИРИКМАНИНГ МУСТАХКАМЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА
ПОЛИМЕР КОМПОЗИЦИЯСИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ
ҚУРИЛМАСИНИНГ ЯНГИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

Мутахассислик: 5А 321601- "Енгил саноат машиналари ва аппаратлари"

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар:

Проф. Тошпулатов С.Ш.

Бухоро – 2015 йил

Аннотация

Мазкур диссертация ишида миллий матоларимиздан, атлас ва адрас матоларда бахяқатор мустахкамлигини ошириш мақсадида биз томондан олиб борилган назарий ва амалий изланишлар, 8332-синф тикув машинасида ипли бирикмалар мустахкамлигини ошириш учун полимер композициясини ҳосил қилиш қурилмасининг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Дисертация ишининг асосий мақсади зарядланган структурали газламалардан таёрланган тикув махсулотлари учун бириктирма чокларнинг мустахкамлигини ошириш мақсадида полимер композицияни суриш параметрларини аниқлаш ва жихозларни ишлаб чиқиш ҳамда тикув машиналарининг ишчи органлари иш режими ва параметрларини илмий асослаш ҳисобланган.

Annotation

In this dissertation national fabric , satin and an ikat fabrics baxyaqator we have carried out in order to strengthen the theoretical and practical research , the 8332 class sewing machines , cotton polymer compounds to improve the strength to make a new device is developed .

The main objective of the Disertattsiya charged structured fabric attached to the sewing production line , which has been prepared for the purpose of increasing the strength of the polymer composition parametirlarini promote and define the procedures, equipment and sewing machines , working bodies and scientific calculations based on the parameters of the operating mode .

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I-БОБ. ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ИПЛИ БИРИКМАЛАРНИ МУСТАХКАМЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....

1.1. Тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўланиладиган миллий матолар турлари ва уларнинг хусусиятлари.....

1.2. Ипли бирикмалар сифатига таъсир қилувчи омиллар ва ипли бирикмаларни мустахкамлигини оширишда фойдаланиладиган қурилмалар.....

1.3. Замонавий тикув машиналарининг турлари, ишлаш принципи ва асосий ишчи органлари

II-БОБ. ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПОЛИМЕРЛАР.....

2.1. Тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўланиладиган полимерлар таркиби ва хусусияти.....

2.2. Илмий тадқиқот иши учун танланган полимер композицияси ва унинг қўллаш имкониятлари.....

2.3. Матоларни полимерлашда қўланиладиган мосламалар ва уларнинг тузилиши ишлаш принципи.....

III-БОБ. III-БОБ.ИПЛИ БИРИКМАЛАРНИ МУСТАХКАМЛИГИНИ ОШИРИШДА ЯНГИ ЛОЙИХАЛАНГАН ҚУРИЛМАНИНГ ОПТИМАЛ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАШ.

3.1. Янги лойихаланаётган полимер композиция ҳосил қилиш қурилмаси газлама тортиш роликларининг тикилаётган газламага таъсир қилиш омиллари. 3.2 Математик режалаштириш усулида янги лойихаланган қурилманиннг оптимал параметрларини аниқлаш.

3.3. Ипли бирикмаларни мустаҳкамлигини оширишда иктисодий самарадорлик.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар.....

Илова

КИРИШ

Илмий-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтириш Миллий иқтисодиётимиз равнақининг асосидир. Юртбошимиз иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашни ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилади. «Мазкур ўзгаришлар, - деб таъкидлади, Президентимиз, корхоналарни янгилаш ва қайта техник жиҳозлашга мамлакатимизнинг бой табиий ва минерал хом ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор».

Табиий хом ашёдан тайёрланган маҳсулотга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Жаҳон модасида пахта ва ипак толалари иштирок этадиган газламалар катта муваффақият қозонмоқда. Асосий бойлигимиз бўлган маҳаллий тўқимачилик толаларини қайта ишлаш ҳажмини ошириш, уларга кимёвий толалар аралаштириб янги ассортиментдаги газламалар яратиш йўллари излаб топиш муҳим ҳисобланади. Ҳукуматимиз томонидан тўқимачилик мутахассислари ва олимлари олдига жуда катта долзарб масалалар қўйилди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, сифатли тўқима ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, жаҳон бозорида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида рақобатбардош маҳсулотлар билан савдо қилишга эришиш муаммоларини ҳал этиш бугунги кунда ечимини кутаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади [1].

Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноатини ривожлантиришнинг асосий омиллари сифатида маҳаллий тўқимачилик хом ашёларини қайта ишлаш ҳажмини ошириш, илғор чет эл фирмалари билан ҳамкорликда соҳа

корхоналарига энг янги технология ва ускуналарни жорий этиш эътироф этилади. Ҳозирги вақтда Республикада турли соҳалардаги актуал муаммоларни бартараф этиш учун тўқимачилик материаллари, айнан физик-механик хусусиятлари бўйича янги таркибли ипак тўқималарга бўлган талаб ҳамон етарли даражада эмслиги маълум ва ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертациянинг услубий асосини мамлакатимиз ва хориждаги тўқималар тузилиши ва уларни тўқув дастгоҳида олиш технологияси соҳасидаги етакчи олимларнинг илмий ишлари ва асосан глобалъ интернет тармоғидан олинган манбалар ташкил этади. Лекин замонавий техника ютуқларини соҳага тадбиқ этиш орқали янги ассортиментларни яратиш долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун бу борада илмий изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир [2].

Мавзунинг долзарблиги: Тикувчилар саноатида ривожланишнинг ассортиментини кенгайтириш жихозларининг юқори унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун турли ассориментидаги тўқимачилар газламаларидан фойдаланилади. Бириктирма чокларнинг асосий муҳим камчиликларида фойдаланиладиган газламаларининг биргина физик-механик хусусиятларини эмас, балки моки баҳяқаторларни ҳосил қилишда зарур бўлган технологик жиҳозларни ва табиий толаларни ҳам қўллаш ҳисобланади.

Моки баҳяли чокларни ҳосил қилиш ишлар сарфини ва чиройли ташқи кўринишига қарамай зарядли структурали газламалардан коэффиценти юқори. Ундан ташқари моки механизмларини ишлаб чиқаришда юқори аниқликларни талаб этишганлигини учун қимматини механизми ҳисобланади, наинкимоки механизмини ишлатиш жараёнида арзимаган нуқсон ҳамипнинг узилиши, баҳяқаторларнинг сифатини пасайишига олиб келади.

Бироқ, разрядланган структурали матолардан таёрланган кийимлар учун юкори мустахкамлиги икки ипли мокибахяларнинг янги типларини яратишда, шунингдек юкори мустахкамли (пишиқ) бахяларни хосил килиш учун тикув машиналарни такомиллаштириш, кам ўрганилган бўлиб, қолмоқда. Ушбу диссертация иши Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти „Тикув махсулотлари технологияси“ кафедраси ва Бухоро мухандислик технология институти “Машина ва аппаратлартехнологияси” кафедрасида тадқиқ қилинган.

Тадқиқот объекти ва предмети: Зарядланган структурали газламаларидан тайёрланган тикув жихозлари учун тикув машиналарини модернизациялаш ёрдамида юкори мустахкамли ипни катор ипли чокларни икки ипли моки бахяли чокларни хосил килувчи кийим.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: Диссертация ишининг асосий мақсади зарядланган структурали газламалардан таёрланган тикув махсулотлари учун бириктирма чокларнинг мустахкамлигини ошириш мақсадида полимер композицияни суриш параметрларини аниқлаш ва жихозларни ишлаб чиқиш ҳамда тикув машиналарининг ишчи органлари иш режими ва параметрларини илмий асослаш ҳисобланади.

Зарядланган структурали газламалардан таёрланган тикув махсулотлари учунлиги ипли моки бахяли чокларнинг мустахкамлигини ошириш мақсадида жихозларни ишлаб чиқиш: полимер композицияни суриш учун ҳаракатланувчи роликлар ҳисобининг методикасини ишлаб чиқиш ҳамда бахякаторда устки ва пастки чокларда сарф бўлган иплар таранглиги икки ипли моки бахяли чоклар устки ипнинг таранглиги суммаси ва пастки ипнинг таранглигини аниқлаш; чокларнинг деформацияли характеристикасида буйлама, кундаланг ўзгариш тартибини аниқлаш; устки ва пастки роликлар конструкцияси бириктирма чоклар полимер композиция ёйилиш механизм, янги икки ипли моки бахяли мустахкам чокларни хосил килишни таяминлайди.

Натижаларни “Машина ва аппаратлар технологияси” ва тикув маҳсулотлари (жихозлари) технологияси” уқитиш курси жараёнида қўлланилади.

Мавзунинг илмий янгилиги : зарядланган структурали газламалардан тайёрланган тикув маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун янги икки қаторли моки баҳяли мустаҳкам чокларни ҳосил қилиш қўрилмасини ишлаб чиқиш, полимер композицияни суриш учун роликлар ҳаракатини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш, шунингдек чокларнинг устки ва пастки қисмлари сарфи ва таранглигини аниқлаш методи икки ипли моки баҳяли чоклар устки ипнинг таранглигини суммаси ва пастки ипнинг таранглигини аниқлаш чокларнинг деформацияли характеристикасида бўйлама қўндаланг ўзгартириш тартибини аниқлаш; устки ва пастки ролик қанструкциясини бириктирма чоклар полимер композиция ейилиш механизм, янги ипли моки баҳяли мустаҳкам чокларни ҳосил қилишни таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: зарядланган структурали газламалардан тайёрланган қийимлар учун янги юқори мустаҳкамли икки ип қаторли моки баҳяли чокларни ҳосил қилувчи қўрилмани қўллаш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари: назарий тадқиқотлар амалий механика, олий математиканинг маълум усуллари, шунинг технологик машиналарнинг механизмлар назарияси, тебранишлар назарияси, машинали агрегатлар назариясининг умумий усулларидан фойдаланиб ўтказилди. Механизм звеноларининг юқланганлигини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар тензометрлаш усулида ўтказилди.

Тадқиқот мазуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили): Аёллар учун миллий қийимини яратишда абрали, хон атлас, адрас, беқасам ва бошқа турдаги тола таркибли зарядланган структурали газламалардан фойдаланилади. Кенг ассортиментдаги тикув маҳсулотларини

тикишнингтехнологик жараёнида одатда универсал тикув машиналарининг фойдаланилади, унда қўлланиладиган матонинг геометрик хусусиятларига қараб ипнинг қалинлиги ипнинг қалинлиги ва игна танланади шуни тақидлаш жоизки, қўлланиладиган жихозлар чокларнинг мустаҳкамлигини таъминлаб бера олмайди. Шу сабабли чокларнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида жихозларни қайта ишлаб чиқиш ва полимер композиция хусусиятларини қўллашда тикув машиналарининг ишчи органлари ишчи режимини илмий асослаш структурали матодардан таёрланадиган кийимларда қўллаш мумкинлиги замонавий тикув саноатининг долзарб масалаларидан бири хисобланади. Ҳозирда тикувчилик саноати технологияси ва техникаси янгилашиши хисобига биргина маҳсулотлар ассортиментининг кўпайганлигига эмас балки тикув машиналари модернизацияланди.Тикув машиналари ишлаб чиқариш техника ва технологияси ривожини учун В.Н. Горбарук, Г.А. Гайнулин, А.И. Комиссаров, В.П. Щербаков, В.Л. Полухин, В.В. Исаев, Л.В. Кальницкий, В.В. Рачок, Л.Рейбарх, З. Таджибаев, К.Т. Олимов, Рахмонов И.М., С. Баубеков, К.Джаманкулов, Р.О. Жилисбаева ва бошқа олимлар муҳим ҳисса қўшдилар.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот методи назарий тадқиқотлар, назарий механика, олий математика, машиналар механикаси, иплар назарияси, материаллар қаршилиги полимерлар физик химияси, тикув саноати технологияси ва бошқалар асосида олиб борилади. Экспериментал тадқиқотлар „СТАТимат С“ махсус ажратмалли курилмасида олиб борилиб экспериментал механикаси полиатер технологиясидан кенг фойдаланиш йўли билан технологиясини қўллаш методи.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Газламада игна ҳосил қилган қўшни тешиклар орасида иплар чалишувининг битта тугалланган цикли қўлда бажарилган бўлса, қавиқ дейилади, машинада бажарилгани эса баҳя дейилади. Кетма-кет

такрорланган бахялардан бахяқатор, қавиқлардан эса қавиққатор ҳосил бўлади.Машинада бажарилган бахяқатор ипларининг чалишиш йўлига қараб мокили ва занжирсимон турларга бўлинади. Тикувчилик саноатида кийим тикишда моки бахяқатор энг кўп тарқалган бўлиб, у икки ипли битта йўлли моки бахяқатор ва икки ипли синиқ бахяқатор бўлади. Моки ёрдамида ҳосил қилинган бахяқатор иккита ипдан иборат бўлади. Устки ип «игна ипи» дейилади, чунки у игна кўзи билан бирга материал орқали ўтади. Пастки ип «моки ипи» дейилади, чунки у мокидаги найчадан чиқади. Бу иплар материал ўртасида чалишади. Битта йўлли бахяқаторда бахялар бирин-кетин жойлашган бўлади.Игна ипи ва моки ипи уз навбатида ипли бирикмани ҳосил килади.

**Иш тузилиши тавсифи:Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми .
Диссертация кириш, 3 та боб умумий хулосалар, тавсиялар,
адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Иш та бетдан, унинг
таркибидан та расм, 10 та номланадиган адабиётлар рўйхати ва
иловалардан ташкил топган.**

I-БОБ. ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРДА ИПЛИ БИРИКМАЛАРНИ МУСТАХҚАМЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўланиладиган миллий матолар турлари ва уларнинг хусусиятлари.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий урф-одатлари, анъаналари бўлгани каби ўзбек халқининг ҳам минглаб асрларга мансуб миллий урф-одати, анъанаю маданияти бор. Халқимизнинг миллийлиги унинг юриш-туришида, кийинишида ҳам намоён бўлади. Биз эса айни дамда миллий матоларимиз тўғрисида маълумот беришни жоиз деб топдик.

Ўзбек миллий матолари тарихи қадим даврларга бориб тақалади. Бунга атлас, адрас, беқасам каби бир-биридан бежирим, сержило матолар киради [3,4].

Ўзбек ҳунармандларининг қалб кўридан яралган мато узоқ тарихга эга бўлган миллий матомиз атлас кўплаб қимматбаҳо матолардан қадрлироқдир.

“Атлас” сўзи араб тилидан таржима қилганда текис, силлиқ деган маънони англатади. У танда ипи ҳам, арқоқ ипи ҳам табиий ипакдан тўқиладиган бир юзлама силлиқ мато ҳисобланади. Алоҳида ишлов бериб атласга жило берилади, шунга кўра у товланиб туради. Атласнинг табиий ипакдан тўқилган энг аъло нави саккиз тепкили хонатлас деб аталади. Хонатласнинг барча сирининг тузилиши ҳамда тўқилиши усулидадир. (1-расм)

Атлас тўқишдаги ўзига хос ўрилиш танда иплари арқоқ ипларини ёпиб ўтган жойларда улар ўзаро ётмайди, балки бир неча ип силжиб ўтади.

Рапортдаги танда ва арқоқ иплари сони камида бешта бўлади. Атлас ўрилиши билан тўқилган газламаларнинг сирти силлиқ бўлиб, фақат арқоқ ёки танда ипларини ёпиб ўтган жойлари узун бўлиб кўринади. Агар газлама сиртида арқоқ иплари танда ипларини кўпроқ ёпиб ўтган бўлса, бундай газлама арқоқ атласи ёки сатин деб аталади. Агар газлама сиртида танда иплари арқоқ ипларини кўпроқ ёпиб ўтган бўлса, бундай газлама танда атласи ёки атлас деб аталади.

Адрас-танда ипи табиий ипакдан, арқоғи қалин ипдан тўқилган газламалар. Гули икки томонлама бўлганлиги учун айрим жойларда дурўя деб аталади. Кудунгланиш натижасида юқори навли адраснинг бир томони атласдай силлиқ бўлиб, иккинчи томони товланиб туради. Гуллари абр усулида бўлиб, сарик, кўк, пушти, қизил ранглар қўлланилган [5,6].

Адрас 1920-йилларгача Марғилон, Хўжанд, Бухоро, Самарқанд ва бошқа жойларда тўқилган. Ипак матолар орасида энг машхури абрли атлас ва хонатласдир. Уларнинг ўзига хослиги - безак ва гуллар матога эмас, балки ўриш ипининг ўзига чизилади. (1-расм) Айтайлик, узунлиги 200 метр, эни 40 сантиметр атласни тўқиш учун уч минг олти юзта ипак толани бир-бири билан уйғунлаштириш лозим. Битта тола узилса ҳам маҳсулот сифатига путур етади. Шу боис матога янги элемент қўшиш жуда қийин. Ипларни "абр" усулида бўяш ҳам катта маҳорат талаб этади. Эътиборлиси, барча ранглар табиий усулда, бўёқ берувчи гиёҳлардан тайёрланади. Шу боис улар ўз сифатини йўқотмайди, ранглар қоришиб кетмайди.

Атласдан аёллар либослари, кўрпа, кўрпачалар, эркаклар қийиғи ва бошқа буюмлар, адрасдан эса аёлларнинг кийим-кечаклари тикилади. Атлас ва адраснинг машхур турлари кўп бўлиб, ҳозирда атлас ва адраснинг ўнлаб турлари учрайди. Булар қуйидагилар:

“Марғилон”, “Наврўз”, “Расадхона”, “Бибихоним” “Ноғора”, “Киприк”, “Қиролича”, “Панжа”, “Келинчак”, “Қораатлас”, “Баргикарам”, “Чақирим”, “Яхудийнусха”, “Намозшомгул”, “Шахмат”, “Қоракўзим”.

Бундан ташқари атлас ва адрасдан миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда кўплаб либослар яратилмоқда. Сиз бу каби либосларнинг турфа хилларини бугунги кунда учратишимиз мумкин. Асос махсус тахтачага тортилиб, ипларсаналиб, нуқталар орқали белгилаб олинар, сўнгра маълум рангга бўяларди. Қолган иплари эса қалин пахта толали иплар билан боғланади.

Боғланган асос бўёққа солинади. Ранг ва нақшлар ипга тўқилгунга қадаролинади ва махсулот тайёр бўлгандагина кўз ўнгимизда нақш пайдо бўлади. Ҳар бир ип уч маротаба бўялиб қурилади. Асосий фойдаланадиган рангларсарик, қизил ва кўк. Ҳар бир бўялиш босқичи жараёнида уста ҳар бир иптоласини боғлаб кўяди, сабаби ранг тегиб кетмаслиги учун. Шу сабабли кўк рангга бўялувчи майдон сарик ва қизил рангларга бўялишдан аввал боғланади. Яшил рангга бўялувчи майдон сарикга бўялади, сўнгра қизил рангга бўялиш учун боғланади. Чунки бу ранглар аралашмаси яшил рангниберади. Матоларни бўяш учун ўсимлик бўёғларидан фойдаланилади. Индиго- (кўк), марена (қизил), испарак (сарик) ранглар мустаҳкам ва нозик рангларуйғунлигини беради [7,8,9].

Энг кенг тарқалганларига: туморча, тароқ, гаджак, уроқ, бодом, дарахт, анор, ой, шох, ноғора, чақирим, капалак, илон изи, чаён ва бошқа нақш турлари мавжуд.

Атласнингтабiiй ипакдан тўқилган энг аъло нави саккиз тепкили хонатлас деб аталади. Хонатласнинг барча сири унинг тузилиши ва тўқилиш усулидадир. Атласнингтўқилиш жараёни: тўрт тепкили атлас дастгоҳда, саккиз тепкили атлас саккиз тепкилида дастгоҳда тўқилади. Тандадаги гуллар танданинг ҳар саккиз нахи тўқилишида устма-уст келадиган қилиб кўтарилади, нахлар тепкилар мувофиқлаштириб гуллолаларўйноғичларга уланади. Тепки босилганда гулларнинг бири пастга тортилиб, устма-уст ётган нахлардан бирининг кони очилади ва орасидан бири арқоқ ипи ўтади. Шу тариқа саккиз нах орасига саккиз арқоқ ипи ўтади. Шу тариқа танда ипи матонинг устига томон жойлана


бориб тўқима бир юзламага айланади. Ўтмишда атласнинг бир кийимлиги яхлит холда ҳам, икки бўлакка бўлиб ҳам сотилган.



1-расм.Хонатлас матосининг намунаси.



1.2.Ипли бирикмалар сифатига таъсир қилувчи омиллар ва ипли бирикмаларни мустаҳкамлигини оширишда фойдаланиладиган қурилмалар



Бахя ҳосил бўлиш жараёнида ипли бригига турли омиллар таъсир қилади, булар ипли чалишиш турига, бахя структураси, иплар ва газламалар хусусияти ва тури чок параметирлари, тикиш технологияси режимларига боғлиқ сифатига таъсир қилувчи омиллар 5 гуруҳга бўлинади.

1 – гуруҳ бахя структураси ва чалишиш турига боғлиқ, бахя структураси ташқи кўриниши, ҳажми ва хусусиятига, иплар миқдори муҳим рол ўйнайди, ҳар қандай иплар чалишишида бахялар тўғри ва яширин бўлади. Иплар тўғри ва яширин бахялар газламада турлича жойлашади.

Бахя қатор бўйлаб, бахяқаторга перпендикуляр (зикзаксимон)

- газлама чеккаси бўйлаб (йўрмаш)
- газлама тикилаётган, газламанинг ички томонидан тўғри бахялар бирикки ипларидан тузилган оддий мураккаб бахялар уч ёки ундан ортиқ иплардан ташкил бўлади. Шунингдек бахялар комбинацияланган бўлиши мумкин.

2 – гуруҳ тикилаётган газламалархусусияти ва турига боғлиқ бўлган омиллар игна ва иплар йийилиши бахя зичлиги бахяқаторнинг ташқи кўриниши ёки сифатига таъсир қилади. Игнагазламани тешиб ўтганда улар орасида яъни газлама ва иплар ўзаро ишқаланади ва улар қуйидагиларга боғлиқ.

- газлама туридан (трикатаж, нотўқима мато) унинг структураси, зичлиги,
- толали таркибда
- газлама игнава ип билан доимий таъсири ва юзасидан

3– гуруҳ бахяқатор ҳосил қилувчи хусусияти ва турига боғлиқ омиллар. Ипли бирикмалар сифатига хос у кўндаланг хох бўйлама йўналишда бўлмасин тола таркиби, чизикли зичлиги, структураси, бахя

ҳосил бўлиш жараёнида ипларнинг бўшалиш даражаси билан аниқланади. Демак ипли брикмалар сифатига иплар мустаҳкамлиги узунлигига боғлиқ.

4 - гуруҳ тикиш технологияси режимида боғлиқ омиллар

қуйидагилар: - Баҳяқатордаги баҳя частотаси;

- Ип таранглиги;

- Тикиш тезлиги;

- Тикиш жараёнида игнанинг қизиш (ҳарорат) даражаси;

- Тикувчилик игналарининг диаметри заточка формаси ва игна учининг ейилиши;

- Тикилаётган газламага берилаётган тепки босими;

Тикишнинг технологик режимини ратционаллигини танлаш ва ўрганиш кўп омилли мураккаб масала ҳисобланади.

5– гуруҳ чоклар параметрларига боғлиқ омиллар:

- Тикилаётган газлама қатламининг сони;

- Ипли баҳялар сони;

- Тикилаётган газламалар қалинлиги;

- Баҳяқатор кенглиги ва ҳоказо.

Айниқса чоклар структураси, чоклардаги газламалар кесими кенглиги, баҳялар сони ва уларнинг жойлашуви ипли брикмалар ишончлилиги ва мустаҳкамлигига таъсир қилади. Келтирилган класфикацияга қараб ипли брикмаларнинг кўпгина омилларга боғлиқлигини кўрдик шу сабабли ипли брикмалар хусусиятларини оптималлаштириш-кўп омилли мураккаб масала ҳисобланади [10,11,12].

Текстима" (Германия) енгил машина созлик бирлашмасининг 8332 русумли тикув машинаси ичкийимлик, костюмбоп, пальтобоп газламаларни битта моки баҳяқатор юритиб тикишга мўлжалланган. Шу машинаасосидабирлашма 100 дан ортиқ вариантдаги машиналар ишлаб чиқаради. Шулардан энг кўп қўлланиладиган машиналар техник кўрсаткичлари 4 – жадвалда келтирилган.

Ип тақиш. Устки ипни ғалтак 1 дан юқоридан пастга ғалтак таянчининг илгагидан ўтказиб, пластинасимон ип йўналтиргич 5 нинг учта тешигидан, чапга иккинчи пластинасимон ип йўналтиргич 6 нинг учта тешигидан ўтказилади, юқоридан пастга ип йўналтиргич найча 8 нинг ичига киритиб, соат мили ҳаракатига қарши йўналишда устки ипни таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантриб, пастдан олдинга томон ип тортгичнинг пружинаси 4 тагига киргизилади, пастдан юқорига ип йўналтиргич 9 нинг тагига олиб борилади, ўнгдан чапга ипторгич 7 нинг кулоқчасига тақиб, пастга ип йўналтиргич 10 нинг тагидан ўтказилиб, сўнгра иккитаси ип йўналтиргич 11, 12 дан игна тутқичга маҳкамланган ип йўналтиргич 13 дан ўтказилади ва чапдан ўнгга игна 15 нинг кўзига тақилади.

Остки ип машина танасига ўрнатилган ўрагич ёрдамида найчага ўралади. Ип 1 ни (4-расм) ғалтақдан пластинасимон ип йўналтиргич 3 нинг учта тешигига ўнгдан чапга ўтказилади, ип таранглагич 4 нинг шайбалари орасидан соат мили ҳаракати йўналишида айлантриб ўнгдан чапга ип йўналтиргич скобалари 5 нинг тагидан ўтказилади. Найчани шпиндель 6 га кийдирилади; найча ариқчасига кириб турадиган пластиналар пружина 12 найча ҳолатини фиксациялайди. Найчанинг кейинги девори томонга ипни келтириб, найчани шпиндель деворига тиралгунча силжитиб бориб, ип қисиб қўйилади. ўрагич 11 ни ишлатиш учун тикувчи ричаг 7 ни соат мили ҳаракатига қарши йўналишда буриши керак. Бунда чекловчи қопқоқ 9 соат мили ҳаракатига қарши йўналишда буриладида, шпиндель 6 нинг тореци рўпарасига келади, найчага ип ўралишининг чекловчи қоп- қоқ 9 ўқиға маҳкамланган чеклагичи эса найча деворчалари орасига жойлашади. Найчага чеклагич ҳолатига қараб белгиланадиган керакли миқдорда ип ўралгандан кейин ўрагич тўхтайдди. Ричаг 7 билан чеклагич қопқоқ 9 автоматик равишда соат мили ҳаракати йўналишида бурилади. Найчани шпиндель 6 дан олиб, ипнинг бўш учи қопқоқ 8 тагига олиб келинади.

Найча чапга кескин бурилганда қопқоқ 8 нинг тагидаги пичоқ ипни қирқади.

Найчадаги ипнинг миқдори ростланади, бироқ ростлаш учун мой келишини тўхтатиш, учта винт 10 ни бураб олингандан кейин ўрагич 11 ни чиқариб олиш керак. Шу боисдан ростлаш учун механикни чақирган маъқул.

Найчага ип бир текисда ўралмаса, таранглаш ростлагичи 4 ни винт 2 ни бўшатгандан кейин уни ўз ўқи бўйлаб суриб, шайбалар найча ўқининг ўртасига тўғри келадиган қилиб қўйиш керак.

Найча 6 ни (4-расм) унинг деворчаларидаги тешикчалар таш- қарига қараб турадиган қилиб, найча қопқоғи 1 ичига киритилади. Ип 2 ни ўйиқ 4 ичига киритиб, пластинасимон пружина 3 нинг тагидан ўтказилади ва найча туткич ичига киритиб қўйилади.

Найча найча қопқоғи 1 нинг ичида, унга қулфча томондан қараганда, соат мили ҳаракати йўналишида айланиши лозим.



"Текстима" бирлашмасининг ҳозирги машиналари моки курилмаларида найча туткичнинг тагига ташқи томондан пластинасимон пружина маҳкамланган бўлиб, у найчани айланиб кетишдан сақлаб туради. Машина асосий валининг айланиш частотаси кескин камайганда найча инерция билан айланмайди, бу эса чокнинг яхши чиқишини таъминлайди.

Материални суриш механизми. Суриш вали 24 буралма қайтма ҳаракатни звено 23, стержен 20 ва 21 кулиса-рамкадан олади. Рамка-кулиса машина корпусига шарнирсимон боғланган бўлиб, буралма ҳаракатни карамисло 22 ва шатун 15 орқали олади. Шатун 15 каллаги бош валга ўрнатилган эксцентрик 34 га кийдирилган. Стержень 20 кулисали рамка 21 га нисбатан ҳолати тортгич 19 ва ричаг 17 ёрдамида соланади. Ричаг ҳолати эса пружина 16 ва гайка 18 орқали фиксацияланади. Баҳя қадами стержень 20 ва звено 23 ни боғлайдиган шарнир ўқи ва кулиса рамка 21 ўқлари орасидаги масофага боғлиқ бўлади. Агар бу ўқ кулиса рамка


буралиш ўқидан юқорида жойлашган бўлса, у ҳолда материал ортга сурилади [13,14,15].

Иш усуллари. 5-расмда 8332/3755 тикув машинаси тасвирланган. Бу машинанинг иккита педали бўлиб, махсус иш столига ўрнатилган педаль 4 машина асосий валининг айланиш частотасини ростлашга, педаль 2 эса тепкини оёқ билан кўтаришга хизмат қилади. Ишлаш қулай бўлиши учун иккала педалнинг баландлиги ҳам уларни штанга 1 билан биргаликда вертикал суриб ростланади. Бунинг учун йиғма тортқининг болтлари 21 бўшатилади; болтлар 5, 20 билан уларнинг ўқларини иш столи таянчлари 22 даги тегишли тешиклар ичига сурилади. Тикишни бошлашдан олдин машинанинг ишга тушириш тугмачаси 6 босилади, бунда ёритгич 7, электр тақсимлаш қурилмаси панели 12 даги ёритгич 11 ёнади, бу электр автоматикаси элементлари ишга тайёрлигидан далолат беради. Ажратгич 13 ни ўнгга сурилса, электр юритгич уланиб, салт режимда ишлай бошлайди. Агар тугмача 14 ни босилса, бошқариш педали маълум ҳолатга келганида игна энг юқори ҳолатда тўхтайдди, лекин ип қирқилмайди. Ажратгичлар 15, 16, 17 ни юқорига бурилса, тепкини вертикал суриш автоматик системаси, автоматик бошқариш системаси, ипни электромеханик қирқиш системаси ишга тушади. Элеитларнинг қаршилиги ўзгариши билан боғлиқ бўлган ажратгичлар 18, 19 ни бураш керак эмас.

Ростлашлар. Остки ип таранглиги винт 4 (7-расмга қаранг) ёрдамида ростланади. Устки ип таранглигини, тепкининг материалга босимини ва тепкининг баландлигини ўрнатилган винтлар ёрдамида ростланади. Баҳя йириклиги ричаглар 8 (51-расмга қаранг), 10 нинг гайкаларини бўшатгандан кейин, уларни буриб ростланади. Ричаглар юқорига бурилса, баҳя йириклашади, бунда ричаг 8 бурилганда устки рейка баҳясининг йириклиги ўзгаради, ричаг 10 бурилганда эса остки рейка баҳясининг йириклиги ўзгаради. Баҳяқаторни пухталаш даста 9 ни соат мили ҳаракати йўналишида буриб бажарилади. Рейканинг тушиши ва кўтарилиши кўтариш вали коромислоси 25 [16,17,18].



6-расм. 8332 русумли тикув машинаси кинематик схемаси



7-расм. 8332/3755 машинаси иш столи билан.

1.3. Замонавий тикув машиналарининг турлари, ишлаш принципи ва асосий ишчи органлари

Ҳозирги пайтда вазифаси ва тузилиши жиҳатидан турли хил бўлган, фан ва техниканинг охириги ютуқларига асосланиб яратилган, замонавий технология талабларига жавоб берувчи, автоматлаштирилган ва электрон бошқарувли тикув машиналари чиқарилмоқда.

Тикув машинаси қуйидаги асосий қисмлардан иборат. Машина танаси – 2 асосий вал ўрнатилган бўлиб, ундан машинанинг барча механизмларига ҳаракат узатилади. Машина танасининг таянчи – 4 да баҳя йириклигини ўзгартирувчи қурилмалар жойлаштирилган. У асосан машина бош қисмини ушлаб туради. Машинанинг олд қисми – 1 да игна ва ип тортгич (занжирсимон баҳяли тикув машиналарида ип узатгич) механизмлари, тепки узели баъзи машиналарда эса қўшимча механизм ва узеллар ўрнатилган. Машинанинг асосий валига айланма ҳаракат маховик гилдираги – 3 орқали электр юритгичидан узатилади. Машинанинг устига бошқарув пулти – 5 ўрнатилган бўлиб, ундан ишчи органлари шолати, баҳяқатор кўриниши ва йириклиги автоматик тарзда ўзгартирилади [19,20].

Замонавий тикув машиналарида бошқарув пулти машина танаси таянчида ёки унинг ён томонида жойлашган. Машина иш столига таянч – 6 ўрнатилган бўлиб, унда ипли гўалтак ёки бобиналар учун стерженлар жойлаштирилган. Тана таянчи – 4 дан игна ҳаракат чизигигача бўлган Л масофага машинанинг ишчи қўлочи дейилади.

Машина платформаси – 7 да моки (занжирсимон баҳяли тикув машиналарида чалиштиргич), газламани суриш ва автоматик мойлаш механизмлари, баъзи тикув машиналарида ипни қирқиш, кенгайтиргич каби қўшимча механизмлар ўрнатилган. Ташқи кўриниши, вазифаси, ишлаш принтсипи, техникавий кўрсаткичлари, кинематикаси, констрўктсияси жиҳатидан тикув машинлари жуда хилма-хилдир.

Тикув машиналарини яратиш ва такомиллаштиришда тикиладиган материалнинг физик-механикавий хоссаси ва тузилиши, технологик жараёнга таъсир қилувчи факторлар эътиборга олинади. Тикилаётган материалнинг ишқаланиш коэффитсиенти, чузилишлиги, зичлиги, эриш температураси каби параметрлари – тикувчилик машинаси констрўктсиясига, баҳяқатор ҳосил бўлишдаги иплар боғланишига, қўлланиладиган игна геометриясига, машина тезлик кўрсаткичларига боғлиқ бўлади. Баҳяқатор ҳосил бўлиш жараёнида иплар чалишиш шарақтерига қараб тикув машиналари икки гуруҳга бўлинади:

- Мокибаҳяли тикув машиналари;
- Занжирсимон баҳяли тикув машиналари.

Моки баҳяқатори кам чўзилувчанлиги ва пухталиқ хусусиятига эга бўлганлиги учун моки баҳяси билан тикувчи машиналари асосан қаттиқ ва мустақкам газламаларни тикишда қўлланилади [21,22].

Занжирсимон баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар чўзилувчан, трикотаж газламаларни тикишга ва кийим деталларини вақтинчалиқ бирлаштиришга мўлжалланган.

Тикув машиналари вазифасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- мокибаҳяли тўғри баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар;
- бир ипли занжирсимон тўғри баҳяқатор билан тикувчи машиналар;
- кўп ипли занжирсимон тўғри баҳяқатор ҳосил қилиб тикувчи машиналар;
- моки баҳяли Синиқ баҳяқатор билан тикувчи машиналар;
- Газламачетлариниюрмашмашиналари;
- Яширин баҳяли тикув машиналари;
- Тугма ва бошқа фурнитураларини қадайдиган, пухталайдиган ва калтачокларни тикадиган, ҳалқа юрмайдиган ва буюмнинг айрим деталларига ишлов берадиган ярим автоматик тикув машиналари.

Тезлик кўрсаткичлари бўйича тикув машиналари уч гуруҳга бўлинади:

- асосий валнинг айланишлар частотаси 2500 айл/мингача бўлган паст тезликли;
- 2500 айл/миндан 5000 айл/мингача бўлган ўртача тезликли;
- 5000 айл/мин дан юқори бўлган ката тезликли.

Ишчига нисбатан жойлашиши бўйича тикув машиналари ўнг, чап ва фронтал қўлочли бўлади. Тикув машинаси ишчи қўлочи ишлов берилаётган машсулотнинг максимал ўлчамини аниқлайди. Ишчи қўлоchlари бўйича тикув машиналари қуйидагиларга бўлинади:

- қисқа ишчи қўлочли (Л-200 мм гача);
- ўртача ишчи қўлочли (Л-200 мм дан 260 мм гача);
- узун ишчи қўлочли (Л-260 мм дан юқори).

Бутун бир технологик жараён учун ишлаб чиқариладиган тикувчилик жихозларини корхонанинг аниқ булимига яроклилигига, автоматлаштириш ва механизатсиялаштириш даражасига қараб ҳам гуруҳларга ажратиш мумкин [23,24].

Замонавий тикув машиналарни яратиш мобайнида конструкторлар билан биргаликда рассом-дизайнерлар иштирок этадилар. Улар яратилаётган машина ёки автоматнинг тузилишини, бошқариш системасини, бажариладиган технологик жараённи урганиб чиккан шолда ташқи кўринишини тасвирлайдилар.

Ҳозирга қадар тикув саноати жихозлари эстетик кўриниши ҳамиша истеъмолчилар эътиборида бўлган. Масалан, "Зингер" фирмасида ҳозирги пайтгача ишлаб чиқарилаётган тикув машиналари замон талабига қараб турли хил декоратив орнаментлар билан безатилиб тайёрланмоқда.


Тикувчилик саноатига қарашли машина, автомат ва автоматик қаторларни яратиш ва такомиллаштиришда эргономика талабларига ҳам эътибор қилинади. Бу талаблар машинани бошқариш, қурилма ёки электрон аппаратларни танлаш, ишлатиш ва таъмирлашда қулайликни, информатик ёзувлар билан белгилаш ва тайёрлашни таъминлашдан иборатдир [25].

"Жуки" (Япония) фирмасининг ЛХ -1162 -С-5-4В русумли икки игнали тикув машинаси.

Бу машина костюбоп ва пальтобоп материаллардан тикиладиган тикувчилик буюмлари деталларини икки ипли параллел моки бахяқаторни юритиб тикишга мўлжалланган. Асосий валининг айланиш частотаси 3000 айл/мингача, бахясининг йириклиги 0 дан 6 мм гача, параллел бахяқаторлар оралиғи 3,2 мм.

Бу машинада илгариланма қайтма ҳаракатланувчан игналар, вертикал жойлашган мокилар, газламани тишли рейка ёрдамида суриш ва иптортгич механизмларидан тузилган. Машинанинг устки қисмига технологик жараёнларни ва механизмлар ишини назорат қилувчи, ҳамда чокнинг бир кўринишидан иккинчи кўринишига автоматик ўтказувчи электрон бошқарув системаси 1 ўрнатилган (8-расм). Электрон бошқарув системаси қўлланилиш натижасида бахяқатор сифатли бажарилишини ва механизмларни автоматик мойлаш қурилмасининг ишини доимий назорат қилиш имкони яратилган. Бош валдан моки валига ҳаракат тишли тасмали узатма орқали узатилади. Плунжерли насосли автоматлаштирилган мойлаш системаси ўрнатилган [26,27].

Бу машинада иккита педали бўлиб, махсус иш столига ўрнатилган педал 2-машина асосий валининг айланиш частотасини созлашга, педал-3 эса тепкини оёқ ёрдамида кўтаришга хизмат қилади. Ишлаш қулай бўлиши учун иккала педалнинг баландлиги ҳам уларни штанга 4-билан биргаликда вертикал суриб ростланади. Бунинг учун йиғма тортқининг болтлари 5-бўшатилади ва иш столи 6-таянчлари 7-даги тегишли тешиқлар ичига сурилади. Тикишни бошлашдан олдин машинани ишга тушириш тугмачаси 8-босилади.



8-расм. ЛН-1162-С-5-4Б русумли тикув машинасининг умумий

кўриниши

Устки ва остки иплар таранглигини ўзгартирувчи ва назорат қилувчи қурилмалар ўрнатилган. Машинада чарм маҳсулотларини ва қалин материалларни ҳам тикиш имкони яратилган.

Ип тақиш. Устки ипни бобина ёки ғалтақдан муайян изчилликда чап игна 9 га (9-расм, а) тақилади. Олдин ипни найчасимон ип йўналтиргичнинг тешигидан ўтказилиб, таранглаш ростлагичи 2 нинг шайбалари орасидан, асосий таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантриб, ип тортиш пружинаси тагидан олиб ўтилади, пастдан юқорига пластинасимон ип йўналтиргич тагига, ўнгдан чапга ип торткич 4 нинг юқори қулоқчасига ва юқоридан пастга пластина ип йўналтиргич 5 дан ўтказилади. Сўнгра иккинчи пластинасимон ип йўналтиргич 6 тагидан ўтказиб, юқоридан пастга игна тутгич 7 даги ип йўналтириш тешигига ва ўнгдан чапга игна кўзи 9 дан ўтказиб тақилади.

Устки ипни ўнг томондаги игна 8 га тақиш учун, ипни ғалтақдан найчасимон ип йўналтиргичнинг тешигидан ўтказилиб, таранглаш ростлагичи 2 нинг шайбалари орасидан, асосий таранглаш ростлагичи 3 нинг шайбалари орасидан айлантриб, ип тортиш пружинаси тагига олиб келинади, пастдан юқорига пластинасимон ип йўналтиргич 5 нинг тагидан ўтказилиб, ўнгдан чапга ип тортгич 4 нинг остки тешигига, юқоридан пастга пластинасимон ип йўналтиргич 6 нинг тагидан ўтказилади ва юқоридан пастга игна 8 нинг кўзига тақилади.

Остки ип машинадаги маҳсус қурилма ёрдамида найчага ўралгандан сўнг, игна пластинаси чиқариб олинади ва вертикал жойлашган моки қурилмаси ўрнатилади.

Остки ипларнинг иккаласи ҳам бир хилда тақилади. Шу сабабли фақат ўнг томондаги моки қурилмасига ип тақилишини кўриб чиқамиз. Бунинг учун пластинасимон пружинани (10-расм, б) ўнг қўл билан босиб туриб, чап қўл ёрдамида пластинани ўнг томонга суриб қўйилади [28].

Илгаки очиб бўш моки олинади. Сўнгра найчатутгични марказий шпилкасига тўла найча кийдирилади. Ипни найчадан юқоридан пастга


найча тутгичнинг ўйиғига ва пластинасимон пружина тагидан ўтказиб, унинг кесими дан ташқарига чиқариб қўйилади, остки ип таранглигини винт ёрдамида пластинасимон пружинанинг босимини ўзгартириб созланади.

Мокининг ён тарафига остки ипни кенгайтирувчи четлатгич ўрнатилган бўлиб, у ёйсимон ҳаракатни моки валидан эксцентрикли механизмдан олади.


Машинада турли ишларини бажариш учун махсус мосламаларни ўрнатиб деталларга ишлов бериш имкони яратилган.

Созланишлари. Игнанинг баландликка ҳолатини ростлаш учун баҳя йириклиги «0» га қўйилиб, игна энг остки (10-расм, а) ҳолатига келтирилади, сўнгра 1 ва 2 бўшатилиб игнатутгич остки қиррасидан игна пластинаси 3 сатҳигача $16,7+0,3$ мм масофага қўйилади ва винтлар қотирилади. Бунда игнаюритгичи 4 ва тепки стержени 5 орасидаги $14,8+0,1$ мм бўлиши керак. Игна остки ҳолатидан 2,2 ммга кўтарилганда моки учи игна учидан 1,2 мм баландда жойлашиши керак. Моки ва игна орасидаги зазор (10 -расм, б) винтлар 1 ва 2 бўшатилиб, мокини ҳаракат узатиш вали 3 га нисбатан силжитиб ростланади.


Найча қопқоғи 1 (10-расм, в) ва игна пластинаси 2 орасидаги 0,8-1,0 мм зазорни ўрнатиш учун игна юқориги ҳолатига келтирилади, сўнгра игна пластинаси 2 ва тишли рейка олинади, моки валидаги ўрнатиш винти бўшатилиб, моки втулкаси силжитилиб керакли ҳолатга келтирилади ва винт қотирилади [29,30].



9-расм. 8332 машинасининг ташқи кўриниши ва устки ипни тақиш



10-расм, а. Устки ипни тақиш



11-расм. "Жуки" (Япония) фирмасининг ЛХ -1162 -С-5-4В русумли икки
 игналитикув машинаси ишчи органларининг ростланишлари.

Тишли рейканинг игна пластинаси ариқчаларга нисбатан ҳолати (10-расм, г) суриш вали 1 га винт 2 ёрдамида маҳкамланган коромисло 3 ни силжитиб соланади. Бунинг учун винт 2 бўшатилиб ,коромисло 3, суриш кулисаси 4 га ўрнатилган тишли рейка 5 билан биргаликда сурилиб керакли ҳолатга келтирилади ва винт 2 қотирилади.

Баҳя йириклиги ва ортга тикиши материални суриш механизми билан боғланган қурилма ёрдамида амалга оширилади.

Ростлаш ричаги 4 нинг иккинчи тарафи иккита винтлар 5 билан тортқи 6 га маҳкамланган [31].

Созловчи тортқиси 6 нинг чап томонини пружина 7 тортиб туради. Баҳяқатор сифатини текшириш учун баҳя йириклиги «3» га қўйилиб, олдинга ва ортга тикилади. Олдинга ва ортга тикилганда баҳялар йириклиги орасидаги фарқ 0,2 мм дан ошмаслиги керак. Агар фарқ 0,2 ммдан ортиқ бўлса, винтлар 5 бўшатилиб ростловчи тортқи соат милига қарши йўналишда буралади ва винтлар қотирилади.

II-БОБ. ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ПОЛИМЕРЛАР

2.1. Тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган полимерлар таркиби ва хусусияти.

Ҳозирги кунда кимё саноатининг, хусусан полимерлар кимёсининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Полимерлар кимёси саноатининг ривожланишини муҳим вазифаларидан бири саноатнинг барча тармоқларида ва турмушда замонавий кимё ютуқларидан тўла фойдаланишдир, янги, мукамалроқ ва арзон ишлаб чиқариш воситалари ва ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришдир. Ҳозирги кунда фан ва техниканинг ривожини саноатни деярли барча тармоқларида кенг қўлланиладиган полимер композитсион материалларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юқори молекулали бирикмалар асосида олинган полимер композитсион материалларнинг уникал хоссалари синтетик ва сунъий толаларда, каучук ва резиналарда, қоплама ва плёнкаларда, сунъий чармда намоён бўлади [32].

Санаб ўтилган материалларни фақат юқори молекулали бирикмалар асосида олинган полимер композитсион материаллардан тайёрлаш мумкин. Полимер композитсион материалларни рангли ва қора металлларни ўрнига қўллаганда буюмларни таннархи ва оғирлиги камаяди. Полимер композитсион материаллар автомобилсозлик, сув, ҳаво ва ер транспортида, радиоэлектроника ва электроника саноатида, қурилишда, қишлоқ хўжалигида, тиббиётда, озиқ-овқат ва енгил саноатда кенг қўлланилмоқда. Аммо саноат тармоқларининг полимер композитсион материалларга бўлган талаби, уларни ишлаб чиқариш суръатларидан илгарилаб кетмоқда.

Иқтисодиётни химиялаштиришнинг долзарб муаммоларидан бири табиий ва синтетик юқори молекулали бирикмаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва улар асосида полимер композитсион материаллар яратиш масаласидир.

Охирги йилларда синтетик полимерларни ишлаб чиқаришни ва улар асосида полимер композитсион материаллар яратишнинг тезкорлик билан ривожланиши бир қанча сабабларга боғлиқ.

2. Полимер композитсион материаллар билан камёб ва қиммат табиий материалларни тўлақонли алмаштириш имкони ва уларни ўзини камёб хоссали конструкцион материаллар сифатида ишлатиш имконияти.

3. Хоссалари олдиндан белгиланганва ростланган синтетик материалларни яратиш имконияти.

Шундай қилиб, полимерлар соф ҳолда жуда кам қўлланилади, улар асосан полимер композитсион материаллар сифатида ишлатилади [33].

ПКМ афзалликлари ва камчиликлари. ПКМ кўп хоссалари бўйича бошқа конструкцион материаллардан устун турадилар (ёғоч, металл ва ҳ.к.). Уларга атмосферада ўзоқ муддатда бўлганда ўзини физик-механик хусусиятларини юқотади.

Полимер композитсион материалларни таснифлаш.

Ҳозирги кунгача "Полимерлар энциклопедияси"да ҳам, "Қиска кимё энциклопедияси"да ҳам, Британия стандартлар луғатида ҳам қандай материаллар полимер композитсион материаллар деб аталади деган тушунча киритилмаган.

Шунингдек, ПКМларни ягона халқаро таснифи яратилмаган, ПКМларга асосан:

1. Дисперс ёки толасимон минерал ва органик тўлдирувчилар (мел, талк, кўмир, аеросил (SiO₂) дисперс металллар, бўлакланган шиша толалар, синтетик толалар) билан тўлдирилган полимерлар;
2. Армирланган полимерлар, яъни органик ёки ноорганик толалар билан тўлдирилган полимерлар;
3. Бир-бирида эримайдиган полимер аралашмалари киради. (бу группага 2та чизиқсимон полимерлар аралашмаси ёки 2 хил тўрсимон

полимерлар аралашмаси (бир-бирига тўрлар ўтувчи полимерлар аралашмаси, чизиксимон ва тўрсимон полимерлар аралашмаси киради).

ПКМ асосини ташкил қилган полимерни кимёвий табиатига қараб 4 синфга бўлинади [34].

А-синфи. Занжирли полимерланиш асосида олинадиган ЮМБлар асосида олинган ПКМ. Уларга ПЕЮБ, ПЕПБ, ПП, винипластлар, полиизобутилен, фторопластлар, ПС ва унинг сополимерлари, акрилопластлар ва бошқалар.

Б-синфи. Босқичли полимерланиш ва поликонденсация усули ёрдамида олинган ЮМБлар асосида олинган ПКМлар. Буларга фенолалдегид асосида олинган пластмассалар, аминопластлар, эфиропластлар, полиамидлар, уретанопластлар, кремнийорганик смолалар асосида олинган композитсиялар, эпоксид смолалари асосида олинган композитсиялар ва бошқалар

В-синфи. Табиий полимерлар кимёвий модификациялаш асосида олинган ПКМлар. Уларга целлюлоза ҳосилалари асосида олинган ПКМлар киради (селлюлоид, турли марказдаги этроллар, галлит киради).

Г-синфи. Табиий ва нефтдан олинган асфалт асосида ва смола асосида олинган ПКМ (турли тўлдирувчи битумпластлар).

ПКМ таснифини техник схемасини америкалик химик Л. Сперлинг таклиф қилган (расм 1). Бу схеманинг ўнг томонида турли тўлдирувчилар қўшиш натижасида кучайтирилган полимерлар, чап томондан эса тўлдирилган ғовакли системалар келтирилган. Чап томонда келтирилган макроскопик композитсиялар полимерга тўлдирувчи қандай киритилганига қараб, турли хусусиятларга эга бўлган ғовакли системалар бўлиб, уларга лок-буёққопламалари, пенопластлар ва полимерлар шимдирилган керамика, ёғоч ва бетонлар киради. Шунингдек полимер композитсион материаллар қандай тўлдирувчилар билан тўлдирилганлигига қараб 4 хил турга бўлинади:

Дисперсиялар: асос-полимерлар минерал ёки металл куқунлари билан, қисқа толалар билан, полимерлар билан тўлдирилган бўлади;

Емулсиялар: асос-полимер сув, ёғ ёки бошқа дискрет фаза ҳосил қилувчи суёқликлар билан тўлдирилган бўлади.

Кўпиклар - кўпикпластлар, ғовакпластлар, очик ва ёпиқ ғовакли резиналар, кўпикрезиналар.

Армирланган системалар-ориентирланган узун ёки қисқа толалар билан тўлдирилган полимерлар.

Демак, ПКМлар асосини полимер ташкил қилган, икки ва ундан ортиқ компонентли гетерофазали система бўлиб, бу системани ташкил қилган компонентлар фазалараро чегарада бир-бири билан таъсирда бўлади. Фазалараро чегарадаги таъсир ПКМлар хоссаларини шаклланишида асосий ўрин тутди [35].

Шундай қилиб, ПКМлар олиниш тамоили полимер асос ва тўлдирувчи орасидаги фазалараро чегарада кетаётган ҳодисаларни ўрганиш натижасида турли технологик усуллар ёрдамида олдиндан белгиланган композитсияни яратишга асосланган. Агар биз фазалар орасида кетаётган ҳодисаларни бошқара олсак, ўзимизга керак хоссаларга эга бўлган турли хил композитсион матеиалларни яратишимиз мумкин.

